
СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТАРЖИМА ДУНЁСИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИ

Мухторхон Умархўжаев,

филология фанлари доктори, Андижон давлат университети профессори

umarmuxtar43@mail.ru

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Umarmuxtar M. The world of translation and its philosophy. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 28-32



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-3>

Келиб тушган сана 18 январ, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақолада таржимашунослик фанининг назарий, амалий тамойиллари, унинг фалсафий асослари, методологияси, тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланиш жараёни ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тармоқлари мавжудлиги ёритилган.

Таржимашунослик тарихи, оғзаки ва ёзма таржима тарихи, таржимоннинг қандай асарни, нима мақсадда таржима қилиш зарурияти, таржима учун танлаб олинаётган асар таржима қилинаётган халқнинг маънавий-маърифий, ахлоқ-одоб қоидаларига мослиги, одатда таржималар ўзга тиллардан қилинишининг маънавий ва лисоний хусусиятлари, таржима қилинаётган ёзма ёдгорликларнинг жанрини аниқлаш зарурияти, бадиий адабиёт таржимаси билан илмий адабиётлар таржимасига алоҳида муносабатда бўлиш лозимлиги, диний адабиётлар таснифи, тафсири ва таржимасига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ва ниҳоят таржимон салоҳияти ва таржиманинг лисоний масалалари ва ечимлари аҳамияти ҳақида ҳамда таржимашунослик фанининг бошқа фанлар дунёси билан ўзаро боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Калиг сўзлар: маънавий ва лисоний хусусиятлар, ёзма ёдгорликлар, тасниф, тафсир, таржима, этнолингвистик уйғунлик, экстралингвистик хусусиятлар, нейрофизиологик хосликлар.

МИР ПЕРЕВОДА И ЕГО ФИЛОСОФИЯ

Мухторхон Умархўжаев,

доктор филологических наук, профессор Андиганского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются теоретические, практические принципы теории перевода, его философские основы, методология, процесс формирования как специфической области лингвистики и существования конкретных особенностей.

История переводоведения, устный и письменный перевод, разновидность жанра, цель необходимости перевода, выбор текста должен соответствовать духовным и моральным стандартам и этическим нормам поведения людей говорящих на исходном языке. В статье также обсуждается духовные и языковые особенности перевода из других языков, важность определения жанра письменных памятников, необходимость определённого подхода при переводе научной литературы и перевода художественной литературы, и классификации, интерпретации и перевода религиозной литературы. Статья подчеркивает необходимость способности переводчика, вопросы и решения языковых особенностей перевода и взаимосвязанность предмета переводоведения с другим отраслями науки.

Ключевые слова: духовные и языковые особенности, письменные памятники, классификация, интерпретация, перевод, этнолингвистическое соответствие, экстралингвистические особенности, нейрофизиологические особенности.

THE WORLD OF TRANSLATION AND ITS PHILOSOPHY

Mukhtarxon Umarhodjaev,

doctor of philological sciences, professor of Andijan State university

ANNOTATION

The article deals with theoretical, practical principles of translation theory, its philosophical foundations, methodology, the process of formation as a specific area of linguistics and the existence of specific features.

The history of translation studies, oral and written translation, a type of genre, the purpose of the need for translation, the choice of the text must correspond to the spiritual and moral standards and ethical norms of the behavior of people speaking the original language. The article also discusses the spiritual and linguistic features of translation from other languages, the importance of defining the genre of written manuscripts, the need for a certain approach in the translation of scientific literature and the translation of fiction, and the classification, interpretation and translation of religious literature. The article emphasizes the requirements for the ability of an interpreter, questions and solutions to linguistic features of translation, and the interconnectedness of the subject of translation studies with other branches of science

Keywords: methodology, spiritual and linguistic features, written manuscripts, classification, interpretation and translation, ethno linguistic features, extra linguistic features, neurophysiological features.

Маълумки, ҳар қандай фан ва илм тармоғининг асосини ташкил этувчи бир қатор назарий, методологик ва турли тамойиллар мавжуддир. Ушбу тамойиллар маълум фан тармоғининг дунёсининг келиб чиққан ҳолда унинг фалсафасини асослаб беради.

Фаннинг аслий фалсафасини аниқлашдан туриб унинг моҳиятини, кўламини, тамойилларини, методологиясини ҳамда амалий аҳамиятини аниқлаб бўлмайди.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда биз таржимашуносликни алоҳида фан сифатида эътироф этсак, табиийки, таржима фалсафаси нималардан иборат, деган савол туғилади.

Биринчидан, бизниг назаримизда, ушбу савол жавобини, аваллабор, ҳар қандай фан соҳаси каби таржиманинг инсон тараққиётига ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назаридан аҳамияти, зарурати қай даражада, деган саволнинг ечимини излашдан бошламоқ керак.

Албатта, тарихга назар ташласак, оғзаки ёки ёзма таржима инсон тараққиётида, халқлар ўртасидаги мулоқотда қанчалик аҳамиятли, муҳим бўлганлиги яққол кўринади. Таржима турли замонларда яшаб ўтган элатлар, халқларнинг маънавий, маърифий, илмий ёдгорликларини бир бирларига пайванд қилишда эҳтиёжий вазифани бажариб келмоқда. Дарвоқе, бу борада 2014 йили Наманган давлат

университетида ўтказилган илмий анжуманда таржима ва таржимонлар ҳақида қилинган маърузамизда қуйидагиларга эътибор қаратган эдик. "Боболаримиз, момоларимиз томонидан қадим қадимдан латофат ила лафз қилиниб келинаётган "Кўнгил кўнгилдан сув ичар" калимаси исбот талаб қилинмайдиган аини ҳаётгий ҳақиқатдир. Дарвоқе, бир инсон кўнгилдан иккинчи инсон кўнгил "сув ичиши" қанчалик тотли лаззатли, қувончли ва савобли туюлса, бордию бир ҳалқнинг кўнгил гавҳари иккинчи ҳалқ кўнгил гавҳарига айлантирилса, бундай беминнат тухфанинг баҳоси борми ўзи? Бизнингча, бу бебаҳо ҳимматбарор, фидоий тухфадир! "Дунё халқлари яратган дурдоналар бир-бирига қўшилса, бир-бирини бойитса, йўлларимиз қанчалик нурафшон бўлишини бир тасаввур қилиб кўрайлик!" Ха, таржима - бу ҳаётгий эҳтиёж. У кўнгил ришталарини боғловчи нурли йўл!"¹.

Қисқача хулоса шуки, таржима маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, бадиий-илмий ва албатта, амалий эҳтиёждир.

Иккинчидан, албатта, таржима фалсафаси таржима тарихи билан асосланиб, илк бор эҳтиёжга айланган оғзаки таржима билан ҳозирги илм-фан тараққиёти давридаги таржима дунёси орасидаги узоқ давом этиб келаётган жараёнда нималарга эришилди-ю, нималар хали ўз ечимини кутмоқда, деган саволлар мажмуасидан иборат.

Оғзаки нутқ таржималари ва таржимонлари тарихи, ёзма нутқ таржималари ва таржимонлари босиб ўтган тарихий босқичлар таҳлили таржима фалсафасини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, таржима фалсафасининг асосини қандай асарни, нима учун, қандай мақсадда таржима қилиш заруриятини асослаб берувчи тушунчалар мажмуаси ташкил этади. Дарвоқе, ҳар қандай асарнинг

(асар кенг маънода) нафақат бадиий-эстетик аҳамиятини, балки унинг моҳиятини, тарбиявий ва илмий салоҳиятини аниқлашдай жавобгарлик масъулияти таржимон зиммасида бўлишлиги талаб этилади.

Таржима қилиш учун танланаётган нарса (асар) таржима қилинаётган халқнинг маънавий-маърифий, ахлоқ ва одоб қоидаларига мосми ёки бегонами, фойдалими ёки зарар келтирадими? Бу ҳолатларни аниқлаш таржимондан алоҳида эътибор талаб қилади. Мисол тариқасида сўнгги пайтларда телевидениеда чуқур мулоҳаза қилинмасдан, бизнинг одоб-ахлоқ нормаларимизга ёт бўлган баъзи бир сериалларни ўзбек тилига ўгириб кўр-кўрона намойиш этилиш ҳолатларини кўрсатишимиз мумкин. Бундай таржималарнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ.

Албатта, ушбу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мантиқан таржима (гап ёзма таржима ҳақида) ўзга тиллардан она тилига қилинади. Чунки, таржимон ўзи танлаган асар унинг халқига манзур, фойдали бўлади деган умид қилиб, асарнинг фойдали томонларини ўз халқига етказиш, улашиш ниятида таржима қилади. Таржиманинг муваффақиятли чиқиши эса таржимоннинг ўз она тили дунёсида, руҳида туриб таржима қилиши билан асосланади. Бу икки жараён таржима фалсафасининг ёрқин кўринишларидан бири ҳисобланади. Чунки, ўзга тилларга ўз халқининг бирор асарини таржима қилишда юқорида кўрсатилган хусусиятлар заифлашади. Аниқроқ айтсак, биринчидан, таржимон унинг она тилида ёзилган асар бошқа халқ учун муҳимлигини, қизиқиш уйғотганини каердан билсин, бу кўпроқ ўз-ўзини реклама қилишга ўхшаб кетади.

Таниқли адабиётшунос З.Исомиддинов бу борада чиройли ўхшатиш қилганлар:

1. Мухторхон Умархужаев. "Кўнгил кўнгилдан сув ичар" (Таржима ва таржимонлар ҳақида икки оғиз...). Маданиятлараро ва илмий-техник алоқаларда таржиманинг ўрни ҳамда роли. Республика илмийтамалий анжумани материаллари тупламш Наманган, 2014. 4-7 бетлар.

(Mukhtorhon Umarchujayev. "The soul drank from the soul" (Two words about translation and interpreters ...). The place and the role of translation in intercultural and scientific-technical communication. Materials of the Republican Scientific Conference Namangan, 2014. 4-7 pages.)

"Аслида, ҳеч бир миллатда ўз қизини куёв томонга олиб бориб бериш таомили йўқ. Шу сингари, ҳеч қайси эл ўз бадий асарини бошқа тилларга ўгириб тақдим этмайди"¹.

Бундан ташқари ҳар қандай моҳир таржимон ҳам ўзга тиллар руҳиятига тўлиқ кириша олмайди, яъни она тилидаги мавжуд асарни бошқалар тилида тўлиқ ифода қила олмайди. Бу ҳолат халқларнинг географик нуқтаи назардан бир-биридан олисда жойлашганлигини, тилларнинг турли оилаларга мансублиги ва халқларнинг турли маданий, диний хусусиятларга эга эканлиги билан исботланади.

Тўртинчидан. таржима фалсафаси таржима қилиниши зарур бўлган ёзма ёдгорликларнинг жанрини аниқлаш ва унинг ўзига хос бўлган таржима хусусиятларини белгилаб бериш билан асосланади. Бу борада, барча илмий, публицистик таржималардан фарқли ўлароқ бадий таржима назарияси ва амалиёти алоҳида диққат ва эътиборга моликдир. Чунки, "Адабиёт энг аввало инсон руҳиятига саёхатдир. Шунинг учун адабиёт йўли - сир йўли, илохий гўзаллик ва ҳайрат йўли. Асрлар мобайнида бадий ижодда нима кашф эгилган бўлса, уларнинг ҳаммаси рух ва кўнгил оламига кириб бориш ва саёхат қилишдан юзага келган. Ҳақиқий саиру сулук, яъни маънавий-руҳоний саёхат аслида адабиётга тегишлидир. Чунки хол ва хол завки билан биринчи бўлиб жиддий қизиққан мавжудлик - бу адабиётдир. Илк маротаба дард ва изтиробни ўзининг даҳлсиз "Мулки"га айлантира билган ҳам адабиёт"².

Адабиётга берилган бундай тўлиқ, гўзал таъриф зукко замондош олимимиз Иброҳим Ҳаққул қаламига мансуб. Энди

эътибор беринг, шундай ўзига хосликни, ўзига мосликни ҳис этиш, унинг оламига кириб бориш, идрок этиш, "хазм қилиш" ва ўз кўнгил дунёси билан муштарак қилиб таржима қилиш нақадар мушкул юмуш эмасми? Шу боисдан бўлса керак, баъзи бир мутахассисларнинг "таржима ўзи йўқ нарса, бир тилдан иккинчи тилга умуман таржима қилиб бўлмайди", деган иддаолари тўғрисида ўйланиб қоласан киши.

Айниқса диний, муқаддас, илохий китоблар тафсири ҳақида гап борадиган бўлса, "таржима" атамасининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоғи даркор. Чунки илохий оятларнинг мазмун моҳияти уларнинг тажвид қонуниятлари асосида талаффуз этилиши, ўзига хос оҳанглари билан боғлиқ. (Ваҳоланки, таржимада сўзларнинг оҳанги, товуш томонлари ифодаланмайди).

Қизиги шундаки, баъзи диний оят ва суралар қироат қилинганда, эшитувчилар унинг мазмун-маъносини билмасаларда, талаффуз гўзаллиги сеҳриданми, эътиқод қудратиданми ўзгача руҳий ҳолатга тушиб қоладилар. Чунки бундай китоблар матнига одамларда ўзгача муҳаббат шакллланган. Қизик бир воқеа, бирга ишловчи ҳамкасбларимдан бирининг айтишича, муқаддас Куръони Карим илк бор ўзбек тилига таржима қилинганда, маҳалладошларидан бири бўлган мўйсафид киши унинг ўзбекчасини ўқиб чиқиб, "Йўғ-э, мен Қуръонни бошқача тасаввур этганман", деган эканлар. Ҳақ гап. Муқаддас илохий китоблар барчамизда мўжизавий, башарий тафаккур билан илғаб олиш мумкин бўлмаган ўзгача ҳис уйғотади. Уларнинг тафсири ҳам ўзгача бўлмоғи лозим.

1. 3. Исомиддинов. Таржимада миллийликни сақлаш. Маданиятлараро ва илмий-техник алоқаларда таржиманинг урни ҳамда роли. Республика илмий-амалий анжумани материаллари туплами. Наманган, 2014., 30-бет

(Z. Isomiddinov. Preservation of national identity in translation. The Place and the Role of Translation in Intercultural and Scientific-Technical Communication. Collection of materials of republican scientific-practical conference. Namangan, 2014., p. 30)

2. Иброҳим Ҳаққул. Усмон Нурий Тупбошнинг "Бир куза сув" китобига ёзилган "Калб кузаси" номли сузбоши. Тошкент, "Фан", 2007, 3-бет.

(Ibrahim Hakkul. The introduction "One jug water" to the book called "The junk of Soul" by Osman Nuri Tupbas. Tashkent, "Fan", 2007, p. 3)

Бешинчилан, албатта, таржима фалсафаси - таржиманинг лисоний масалалари мажмуаси ечимидан иборат. Дунё тилларининг турли-туманлиги, ўзига хос тараққиёт йўли, турли тиллар оиласига мансублиги, уларнинг структурал-семантик, когнитив-лингвистик, прагматик, хуллас, лингво-маданиятшунослик хусусиятлари таржиманинг нафақат назарий, балки амалий масалалари ечимида катта аҳамият касб этади.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда "сўз" масаласи таржиманинг марказий масаласига айланади. Чунки ҳар қандай асар гоёси сўзлар орқали ифодаланади. Матн эса инсон руҳининг сўзлар орқали чизилган расмидир. Ана ўша "расм"нинг ўзга тилда қандай гўзал чизилиши таржимоннинг "мусаввирлик" маҳоратига боғлиқ.

Сўзнинг асл маъно-моҳиятини чақмасдан туриб, таржимон асарнинг ички сирини оча олмайди, аслият руҳи ва мазмунини таржима қилинган тилда сўзлашадиган миллатнинг руҳияти билан уйғунлаштира олмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, таржима - бу "кўнгил иши", ижод маҳсули. Таржимон таржима қиладиган нарсасини, энг аввало, қалб кўзи билан кўриши, қалб қулоғи билан эшитмоғи лозим, шунда асарнинг зоҳирини кўриб-тинглаб, "донни сомондан ажратишни унутмайди".

Олтинчидан, замонамизнинг фан ва техника тараққиётидан келиб чиққан ҳолда таржима амалиётининг ўзига хос янги соҳалари шаклланмоқда. Компьютер технологияларининг ҳаётимизнинг барча соҳаларига тезкорлик билан кириб келиши

замонавий компьютер таржима-шунослигининг шаклланишига олиб келмоқда. Албатта, ҳозирча ушбу соҳа кўпроқ фан-техника ёки оддий мулоқотга оид матнлар таржимаси билан шугулланаётган бўлса- да, бадиий асарлар таржимаси муаммолари ечимини топиш учун катта изланишлар қилиш тақозо этилади. Юқорида қисқача тилга олинган руҳий ҳолатлар, ҳиссиётлар, кўнгил дунёси ўзининг ифодасини техник таржима воситалари орқали тўлиқ намоён эта олмаяпти. Техник воситалар орқали таржима қилиш фалсафаси ўз ечимини кутмоқда.

Таъкидлаш лозимки, таржима назарияси тилшунослик соҳалари орасида алоҳида ўрин тутати. Чунки унинг объекти тил тизимининг элементлари бўлмиш фонетика, грамматика, лексиканинг соф кўриниши бўлмасдан, ўзига хос тиллараро коммуникатив муносабат, тиллардаги ўхшашлик ва фарқлар, лингвистик ёки этнолингвистик уйғунлик борлиги ёки йўқлиги ҳамда тилдан ташқари турли-туман экстралингвистик хусусиятлар, яъни вазиятга оид, эстетик, ижтимоий, нейрофизиологик, техник ўзига хосликлар, тил тизимининг парадигматик, синтагматик, семантик, эмоционал ва прагматик аспекти, тил тизими барча сатхларининг ўзаро муносабатларини эътиборга албатта олган ҳолда таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам таржима дунёси бошқа фанлар дунёси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, фанлараро фан сифатида ўз фалсафасига эгадир.